O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 ноябрь пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 228 (2790)

*Истиқлол берган имкон*

## «ЭЛТЕКС»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Бир неча йилдирки, Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида мустақиллик корхоналаридан бири — «Элтекс» тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти ишлаб турибди. Яқинда бу ерда Австрия ва Бангладеш фирмалари билан ҳамкорликда йирик янги тикувчилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. Ушбу цехда 800 киши меҳнат қилаётир. Улар тиккан кийим-кечаклар эса чет эл маҳсулотлари билан бемалол рақобат қилмоқда.**



***СУРАТДА:** корхонанинг илғор ишчиси Замира Исмоилова.*

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Нукусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорларининг бажарилишига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.**

## Кичик ва ўрта бизнесга эътибор

Унда Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Марказий банк ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ўктам Исмоилов бошқарди.

Қорақалпоғистонда ўн мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 1 минг 283 та ана шундай тадбиркорлик субъекти тузилди. Шунинг ҳисобига 4 минг ишчи ўрни ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1490,1 миллион сўм ортиқ кредит ажратилди. Бу борада Чимбой, Элликқалъа ва Кегайли туманлари, Нукус шаҳрида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Тимур Камолов соҳани ривожлантириш учун республикада катта имкониятлар мавжудлиги, улардан тўла фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Чет эл сармояларини жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши зарур.

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

## ФУҚАРОЛАРГА ТАЯНАМИЗ

**Маълумки, яқинда сессияга тайёргарлик кўриш ва унинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши ўтказилди, унда учта кичик гуруҳ тузилган эди. Биринчи кичик гуруҳ зиммасига бир қатор вазифалар қаторида Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритиладиган ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш, сессия материалларини депутатларга ўз вақтида етказиш, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш юклатилган. Мухбиримиз ана шу кичик гуруҳ раҳбари, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Илгизар СОБИРОВдан бу борадаги ишлар айни пайтда қай ҳолатда экани билан қизиқди.**

— Бу галги сессия кун тартибига ҳозирча 20 га яқин масала киритилиши мўлжалланмоқда. Лекин бу бошқа масалалар энди киритилмас экан-да, деган маънони англатмайди. Чунки Олий Мажлис ушбу жараёнда ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиши мумкин. Бундан ташқари, айни пайтда қўмита, комиссиялар ҳузуридаги ишчи гуруҳларида, партия фракциялари ва блокларда ҳам кун тартибидаги масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Ва ана шу жараёнда яна янги-янги таклифлар тушиши, ташаббуслар билан чиқилиши табиий.

Шу нарсани ҳам айтиш жоизки, газетхонларда қўмита ва комиссияларда сессия кун тартибидаги масалалар юзасидан иш энди бошланибди экан-да, деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Чунки юқорида айтганимиздек, сессия муҳокамасига масала киритган ҳар бир қўмита ва комиссия ҳузурида ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар лойиҳалар юзасидан мунтазам иш олиб бормоқдалар. Бир сўз билан айтганда катта меҳнат қилинаяпти, ҳар бир сўз, ҳар бир банд ёки модда устида қиёсий таҳлиллар қилинмоқда, баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Мен сиз журналистлардан айни шу жараённи кузатиб, ўзларингизнинг холис муносабатларингизни билдиришларингизни истардим. Шунда кўпчиликда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва шаклланиш жараёни қандай кечиши ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлган бўларди.

Шу кунларда жойлардаги депутатлардан лойиҳалар юзасидан келаётган таклиф ва мулоҳазалар оқими сезиларли даражада ошганлигини кузатиш мумкин. Мен жойлардаги депутатларимиз янада фаолроқ бўлишларидан умидворман. Чунки эрта-индин деярли ҳамма қонун лойиҳаларининг энг сўнгги нусхалари депутатларимиз қўлига етиб боради. Уларда жуда катта имконият бор: ҳар бирининг ёнида кўп минг сонли сайловчи турибди. Улар сайловчиларига ана шу лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, таништириб борсалар таклиф-мулоҳазалар кўлами янада кенгаяди. Назаримда бу ўринда жойлардаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, агар жойлардан таклиф-мулоҳазалар қанчалик кўп тушса, лойиҳалар ҳам шунчалик тиниқлашади ва мукаммаллашади.

Агар кузатган бўлсангиз, қонун лойиҳаларининг аксарияти сессия муҳокамасига биринчи ўқишда киритилмоқда. Бундан кутилаётган мақсад битта, у ҳам бўлса фуқароларимиз фаоллигини ошириш ва ана шундай воситалар билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш. Чунки ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг асосий воситаси қонун бўлса, таянчи — унинг фуқаролари.

**«Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.**

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**Фарғонада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.**

Конрад-Аденаур фонди, Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш «Заковат» жамғармаси ушбу анжуманнинг ташкилотчилари бўлишди.

Икки кун давом этган халқаро анжуманга тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, фермерлар, ёшлар ва журналистлар таклиф этилдилар.

Семинар қатнашчилари вилоятдаги маҳаллалар иш тажрибаси, ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолиятлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАР

Бундан етти йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан Самарқанд давлат чет тиллар институти ташкил этилган эди. Юртимизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бораётган бир шароитда минтақадаги корхона ва муассасаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур илм даргоҳи инглиз, немис, француз, япон, корейс, форс тиллари бўйича мутахассислар тайёрламоқда.

Институтда қисқа вақт ичида мустаҳкам ўқув базаси яратилди. Замонавий компьютерлар, ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар талабалар хизматида. Айрим дарсларни хорижлик мутахассислар ўтади. Ўқиш-ўқитиш ишлари намунали йўлга қўйилгани туфайли институт талабалари ҳар йили турли халқаро танловлар, олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритмоқда.

**У.РЎЗИЕВ, ЎзА мухбири.**

**Сирдарё туманидаги «Малик» уруғлик чигит тайёрлаш корхонасига 110 миллион сўм сарфланиб, «Пектус» русумли**

## Замонавий ускуна ўрнатилди

— Янги ускуна уруғлик чигитни бехато саралаб беради, — деди корхона раҳбарининг ўринбосари Баҳодир Отажонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бундай уруғликни гектарига ҳозиргидек 60-70 килограммдан эмас, балки тўлиқ униб чиқишини эътиборга олиб 50 килограммдан экса ҳам бўлади.

Яна бир муҳим томони шундаки, механик шикастланган чигит ускунанинг тўридан ўтмай, шу ернинг ўзида қолади ва уруғликка ярамаган чигит қайта ишлаш корхоналарига жўнатилади.

*Таҳририятга хат*

## ОГОҲЛИК — БУЮК ҚУДРАТ

*Маҳалла-кўйда, ўқув масканларида кўйингки қайси даврада бўлмай огоҳлик ҳақида кўп гапираяпмиз. Бир-биримизни ҳушёрликка чақираяпмиз. Яқинда «Ёшлар — терроризмга қарши» деб номланган йиғилиш минбарига кўтарилганимда, мен ҳам гапимни шу калима билан бошладим.*

*Боиси, ана шу сўз замиридаги ҳақиқатни тобора чуқурроқ идрок этиб бормоқдаман. Терроризмнинг ваҳший қиёфаси кўзимни очди.*

*Энди билсам огоҳлик — буюк қудрат, маънавий қурол, тинчлигимизни, миллатлар ўртасидаги тотувликни кўз қорачиғидай асрашга қаратилган ватандошларимизнинг қалб садоси экан. У тараққиётимизнинг бош тамойили, озод Ватанда бахтиёр яшаш, ҳаёт учун кураш ҳиссини ошириш манбаи, қисқаси ҳар бир инсоннинг олий бурчи экан.*

*Шуларни ўйлаб, таҳририятга хат юбораяпман. Тўғриси, бу уққанларимнинг бир қисми, холос. Унинг мен билмаган садолари чексиздир.*

*Кўп қаватли уйда яшаймиз. Маҳалламиз кўп миллатли. Аҳил-иноқликдан, шарт-шароитдан, ўқиш имкониятларидан кўнглим тўқ. Огоҳликни, унинг ортидаги буюк неъмат — тинчликни кўриб турибман. Шундай гулгун диёрда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳар сония огоҳ яшаса, унинг теран мазмунини ички дард билан ҳис этса ҳеч қачон остонамизга бало-қазолар йўламайди. Айниқса, ер юзида терроризм деган тавқилаънат бор экан, тинчлик учун кураш қон томирларимизда янада теранроқ ниш уравериши керак. Ҳушёр яшасак, кўнглимиз тўқ бўлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишда, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз».*

**Инна ЗОТОВА, Навоий давлат кончилик институти талабаси.**

## ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ КУНИ БИТМОҚДА

Афғонистонда террорчилар уясини йўқ қилиш бўйича халқаро коалиция кучларининг ҳарбий тадбири давом этмоқда. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари "Толибон" истеҳкомлари ҳамда "Ал-Қоида"нинг машқ лагерлари ва ҳарбий базаларига ҳамон ҳаводан зарба бераётир. Куни кеча АҚШ авиацияси Кобул ҳамда толибларнинг асосий истеҳкоми ҳисобланган Қандаҳор шаҳрига яна бомба ёғдирди. Шунингдек, Балх вилоятининг маъмурий маркази Мозори Шариф ва бошқа ҳудудлар ҳам бомбардимон қилинмоқда. Бу ерда ҳаво зарбалари асосан толибларнинг фронт чизиғидаги истеҳкомларига бериляпти.

Хабарларга қараганда, ўтган сешанба куни беш соатлик қаттиқ жангдан кейин Абдурашид Дўстумга қарашли қўшинлар Зарибозор туманини қўлга киритган. Улар, шунингдек, Оққўприк қишлоғи ҳамда ён-атрофдаги яна икки қишлоқни толиблардан озод қилди. Бу муваффақиятга АҚШ авиацияси ушбу туманни бомбардимон қилганидан кейин эришилганини таъкидлаш керак. Сўнгги бир икки кун давомидаги шиддатли жанглар оқибатида толибларнинг икки юзга яқин жангариси йўқ қилинди, ўндан ортиқ оғир замбараклар қўлга киритилди.

Чоршанба кунги ҳаво зарбалари эса толибларнинг Тоҳар вилоятидаги базаларига берилди. Шимолий альянс қўмондонлигидан маълум қилинишича, зарбалар Қалъаи катта, Хазарбоғ ва Хўжагар қишлоқларидаги истеҳкомларга берилган. Айни пайтда толибларга мухолиф кучлар Мозори Шарифдан 60 чақиримча берида турибди. Олдинги чизиқдаги айрим гуруҳлар эса шаҳар чеккасига яқинлашиб борган. Хабарларга кўра, Шимолий иттифоқ бир-икки кун ичида Мозори Шариф сари ялпи ҳужум бошлайди.

Афғонистонда харбий тадбирлар амалга оширилар экан, қочқинлар масаласи тобора кескинлашяпти. Айни пайтда Тожикистон чегарасига яқин ҳудудда юз мингга яқин қочқин чодирларда яшамоқда. Улар тоза сув, озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда бошқа зарур жиҳозларга эҳтиёж сезаётир. 10-11 ноябрь кунлари Ўш шаҳридан Афғонистоннинг Файзобод шаҳрига 150 тонна озиқ-овқат ортган автомобиль карвони йўл олади. Ушбу халқаро хайрия тадбирига МДҲ давлатлари, Буюк Британия ҳамда Жаҳон озиқ-овқат дастури ташкилоти бош қўшган.

Буюк Британия мудофаа вазири Жеф Хуннинг айтишича, терворчиликка қарши курашаётган халқаро коалиция ўз олдига қўйган учта вазифадан иккитасини бажарган. Биринчидан, ҳаво зарбаси натижасида "Ал-Қоида" террорчи гуруҳининг машқ лагерлари батамом вайрон қилинди ва толибларнинг асосий ҳарбий истеҳкомлари яксон этилди. Иккинчидан, Афғонистонда толиблар назоратида турган ҳудудларга авиация ҳужумини давом эттириш имкониятлари кенгайди. Яъни, толибларнинг ҳаво мудофааси тизими бутунлай йўқ қилинди. Энди халқаро коалиция олдида учинчи вазифа турибди. У Усома бин Лодин ҳамда уни қўллаб-қувватлаётган кучларни йўқ қилишдан иборат.

**Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● Кеча «Associated Press» агентлиги Афғонистонда террор ўчоқларига қарши олиб борилаётган ҳарбий амалиётлар ҳал қилувчи босқичга кираётганлиги ҳақида хабар тарқатди. Маълум бўлишича, Шимолий альянс ҳарбийлари АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қўллаб-қувватлаши натижасида Мозори-Шариф учун бўлаётган ҳужумларда катта муваффақиятларга эришиб, қатор аҳоли яшайдиган ҳудудларни ўз назоратларига олишган. Ушбу хабарда айтилишича, сўнгги икки кун ичида 300 нафар террорчи йўқ қилинган. Мозори-Шарифнинг жанубий қисмига ёриб киришга муваффақ бўлинган.**

**● Кеча Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд Афғонистон ҳудудидаги АҚШ ҳарбийлар сони сўнгги ҳафтада икки ярим бараварга кўпайганлигини маълум қилди. Мудофаа вазирининг айтишича, Американинг яна янги ҳарбий бўлинмалари Афғонистон ҳудудига кириш учун тайёр турибди.**

**● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Қора сешанба» воқеаларидан сўнг АҚШ Қуролли кучлари сафига чақирилган кўнгиллилар сони 52 минг 457 нафар кишига етган.**

**● Нью-Йорк мэрлиги учун ўтказилган сайловда республикачи Майкл Блумберг демократ Марк Гринни ортда қолдириб, ғалаба қозонди. Хабарларга қараганда, М.Грин ўз мағлубиятини тан олиб, рақибини эришган ютуғи билан табриклаган. «Рейтер» агентлиги хабарига кўра, «Bloomberg LP» молиявий янгиликлар агентлиги раҳбари бўлган республикачи Майкл Блумберг айни сайлов ташвиқотлари учун ўз ёнидан 50 миллион доллар сарфлаган.**

**● Маълумки, бундан бир муддат олдин Исроил қўшинлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Калкилия шаҳрини тўлиқ тарк этишган эди. Кеча тарқатилган хабарларга қараганда, Исроил ҳарбийлари Рамаллоҳ шаҳридан ҳам олиб чиқилмоқда. Айни**



**пайтда Женин ва Тулкарам шаҳарлари Исроил ҳарбийлари назорати остида. Аммо мамлакат Бош вазири А.Шароннинг таъкидлашича, агар барқарорлик сақланиб турса, исроиллик зобитлар ушбу шаҳарларни ҳам тарк этиши мумкин.**

**● Ливияда мамлакат иқтисодиёт ва молия вазири ҳамда яна 46 нафар мансабдор шахс бир йилдан 16 йилгача бўлган турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Хабарларга қараганда, улар давлат мулкини талон-тарож қилишда айбланган.**

**● Уэлс жанубида террорчиларнинг хуфя лагери фош этилди. Хабарларга қараганда, террорчилар бу ерда ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, кейин Афғонистонга жўнатилган. Мутахассислар ушбу лагерда «таълим» олган айрим қўпорувчиларнинг шахсини аниқлашга ҳам эришди.**

**● Индонезия прокуратураси мамлакат марказий банкига мурожаат қилиб, халқаро террорчи Усома бин Лодин билан алоқадор ташкилот ва шахсларнинг ҳисоб рақамини ёпиб қўйишни сўради. БМТ томонидан жўнатилган ушбу рўйхатда йигирма саккизта ҳисоб рақами кўрсатилган.**

**● Ёсир Арафот БМТ Бош ассамблеясининг шу ҳафта охирида Нью-Йоркда бўладиган йиғилишида расман Фаластинни мустақил давлат, деб эълон қилишни мўлжалламоқда. «Ал-Ҳаёт» газетаси шундай хабар тарқатди. Газета мухбирининг таъкидлашича, Ёсир Арафот халқаро ҳамжамиятнинг дастагига эришишдан умидвор.**

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

# Қора кучдан қолмасин ҳам из

Американинг Жаҳон савдо маркази биносида ҳалок бўлганлар орасида бизнинг ҳам икки ватандошимиз, қондошимиз бор эди.

Жаҳон ахборот агентлигининг хабар беришича, 1975 йилда туғилган, Нью-Йоркдаги институтда таҳсил олиш билан бирга мазкур бинода кассир бўлиб ишлаётган Гавҳарой Қамардинова ва шу бинодаги фирмалардан бирида менежерлик қилаётган Ирина Колпаковалар халқаро терроризм қурбонлари бўлдилар.

Ҳолбуки улар илмда, ишда жаҳон микёсларига кўтарилиш, яхши ниятлари, эришган катта сифат ўзгаришлари билан ўз она-Ватанлари — Ўзбекистонимизга қайтмоқчи эдилар. Янгича қарашлар, илму амаллар билан ўз Ватанларини янада гуллатмоқчи бўлган қўш кабутарларимиз эди улар бизнинг.

Эсингизда бўлса портлатилган бино қулаётган, чўкаётган дамларда бинонинг юқори қаватларида одамлар оқ рўмолларини бир лаҳзагина бўлса-да силкитишиб дунё билан хайрлашишди...

Шуларнинг бири эҳтимол не орзу-умидларда океан оша Америкага учган Гавҳар ёки Ирина бўлгандир... Умрининг сўнгги лаҳзаларида кўз олдига кимлар, нималар келдийкин? Олисдаги Ўзбекистоними, унинг қай бир иссиқ гўшасида унга кўз тутиб, кутиб ўтирган онаизорими, кўзмунчоқдай гўдакларими... Нима бўлганда ҳам тасаввурга сиғмайдиган тажовуз содир этилди!

Террор минг-минглаб орзу-умидларнинг оёғига болта урди, қанотини синдирди. Аммо, дунё дунё бўптики қасос қиёматга қолган эмас!!!

Эсингизда бўлса, терроризмнинг нишоналари кўринган Фарғона, Қўқондаги хунрезликларда Йўлбошчимиз Ислом Каримов шундай дегандилар: — Биродарлар, ўйлаб иш кўринг, бу мансабпарастлик, гуруҳбозлик, биродаркушлик қирғинларида бир маъно борми? Буларнинг барчаси эндигина йўлга кирган гўдакнинг тўкилган бир томчи қонига арзийдими?

Қадимда эркакларнинг кўзлари қонга тўлиб қирғинбарот жанг ҳолати етилиб келаётган бўлса, аёллар бошларидан оқ рўмолларини олиб, эркакларнинг оёқлари остига ташлар ва бу ҳолат кўпинча уруш бошланмаслигига сабаб бўларкан...

Бугун цивилизация шундай баландликка кўтарилдики... Наҳотки бу баландликда ҳаёт чечаклари чаппар уриб очилиш ўрнига, унга монелик қила олишса?!

... Самолёт бинони худди сариёғдай кесиб кириб кетди... дейишди ўша кунги телеканаллар тушунтиришларида.

Ахир унинг ичида йўловчилар бошқариб бораётган одамлар бор эди-ку?! Одам умрига зомин бўлишни дунёдаги ҳамма динлар қоралайди-ку!

Бу Чингиз Айтматов тили билан айтганда «манқурт» «зомби»лар қайси ўчоқларда пишиб, тобланиб чиқишяпти?!

Чумчуқнинг уясини бузишни энг катта гуноҳи азим деб биладиган бизнинг оддий халқимиз, миллатимиз учун бу қанчалар ёт, тушунарсиз ҳолат...

Бу ерда сен кимнинг тарафидасан деган савол ортиқча. Воқеалар, ҳодисалар одамларни жой-жойига қўяётганга ўхшайди.

Дунё халқининг бир мақсад атрофига жипслашиб келиши бежиз эмас. Чунки ҳеч ким ноҳалолнинг ёнини олмайди. Фитнанинг ёнида турмайди! Минг-минглаб бегуноҳ одамлар ғирром йўл билан «бурчакдан отилди».

*Ногаҳонда қорайди жаҳон*
*Хақнинг юзи тупроққа ботди.*
*Чунки иғво келди ноаён*
*Чунки фитна бурчакдан отди!*

«Огоҳ бўлинг, одамлар!» деган даъват ҳамиша бонг садосидек янграб туриши керак, — дейди Йўлбошчимиз Ислом Каримов. Бугунги кун ҳар биримиздан тор симларидай тарангликни, тиш-тирноқларимиздан тортиб сочларимизнинг ҳар бир толасигача даъват муттасил даъватга айланиб яшамоғимизни тақозо этмоқда.

Бостириб келаётган ваҳшатни тушуниб-тушунмай кўзлари ҳайратдан қотган ҳолда бир ҳовуч кулга айланганлар, тутун бўлиб ҳам қочиб чиқиб кетолмай, қора ерга кирганлар ҳаққи, Йўлбошчимиз таъкидлаганларидай, Одамлар, огоҳ бўлинг!

Си-Эн-Эн телекомпанияси олиб кўрсатган террор вақтида мислсиз аланга ичида қолган одамларнинг саросимали илтижолари ҳануз қулоқларимиз тагида жаранглайди.

*... Одамлар тириклай ёниб кетяпти!*
*Худо ҳаққи ёрдам беринглар!*
*Одамлар ўзларини ерга ота бошлашди!*
*Ҳозиргина зиналар тўкилиб тушди.*
*Энди нима қилдик?*
*Одамлар тутундан бўғилиб ўляпти!*
*Эй одамлар! Биз ернинг қаърига кириб кетяпмиз!!!*

... Шу лаҳзада ҳақиқатан ҳам 110 қаватли биринчи бино тутдай тўкилиб, ерга кирди.

*Ноябрь ҳам келди, бардам, тик*
*Йўлни бахтга буриб кетяпмиз.*
*Сентябрдан келар чинқириқ*
*...Ер қаърига кириб кетяпмиз!!!*

*Олов, қуюн олмоқда ўраб*
*Тепада оқ рўмоллар, зув-зув.*
*Мен кўрдим дунё билан, ёраб,*
*Дунёда энг қисқа хайрлашув!..*

*Ўт олган қиз гўшакни тутди*
*Видо сўзин айтмоқчийди ул.*
*Ёниб кетди!*
*Ўзинг айт, Оллоҳ*
*Шунчалар тез кул бўлармi гул?!*

*Дунё халқи ҳангу манг, лоллар*
*Имконсиз гўдакдай турдилар,*
*Чиндан суқсур эркак, аёллар*
*Қўл ушлашиб ерга кирдилар.*

*Террор... Унинг юзи, кўзи йўқ*
*Унга фарқсиз бу Ғарбми, бу Шарқ.*
*Унинг элга айтар сўзи йўқ*
*Қилмиши бор, қўли қонга ғарқ!*

*Ҳар тирик жон борини берсин*
*Қора кучдан қолмаса ҳам из*
*Шу чинқириқ уйғотаверсин:*
*«Ер қаърига кириб кетяпмиз!»*

Бу ваҳшат чинқириғи ҳали бизни уз-з-оқ йиллар уйғотади. Ўшандай сергак, беҳаловат яшаганимиздагина, иншооллоҳ, бу дўзахий воқеалар қайтарилмас.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

Муносабат

# ХАЛҚ БИР УММОНКИ...

Ҳар гал талабалар билан машғулотлар ўтказаётганимда уларнинг тиниқ чеҳраларида бутун олам гўзаллиги-ю, Ватанимиз осойишталигини кўргандай бўламан. Илмга чанқоқ бу чақноқ кўзларда ҳадик йўқ, хавф йўқ. Ватан ҳақида, Мустақиллик ҳақида ёниб сўзлайди. Улар буюк зотларнинг авлодлари. Қалбларида эл-юртга бўлган муҳаббат барқ уриб турганини кўриб қувонаман. Ор-номусли, ориятли бўлиб улғайишаётганидан беҳад шодланаман, мамлакатимиздаги осудалик, тинч ҳаётдан шукроналик туяман ўзимда.

Аммо шундай осойишта ҳаётни кўролмайдиганлар бор. Улар ёвуз террорчилардир. Президентимиз Баёнотидаги **«...дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан қўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёсат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?»,** дейилган жумлалар ёшларимиз қалбида акс-садо берди.

Бугун тинчликсевар дунё халқлари бирлашиб, буюк бир денгизга айланди. Унинг тўлқинлари ҳар қандай ёвузликни, балои офатларни ғарқ қилишга қодир. Бу улкан уммон қудратидан, шиддатидан террорчиларнинг омон қолмаслиги шубҳасиз. Аммо биз бундай мураккаб шароитда бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Доимо ҳушёр ва огоҳ бўлмоғимиз лозим.

**Ҳамроқул БЎРИЕВ,**
**биология фанлари номзоди,**
**Самарқанд вилояти.**




Конституциямизни ўрганамиз

# ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

Риштон туманидаги 19-касб-ҳунар лицейида мамлакатимиз Конституциясини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда, вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази бошлиғи, юридик фанлари номзоди Эгамберди Қўзиев, туман прокурори Жуманазар Исоқовларнинг маърузалари эътибор билан тингланди.

Йиғилиш иштирокчиларининг истакларига биноан маъруза сўнггида қизиқарли мулоқот ўтказилди. Тингловчилар айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, қонунларни либераллаштириш, диний оқимларга, терроризмга қарши кураш масалаларида кенг қамровли, аниқ далилларга асосланган жавоблардан қониқиш ҳосил қилишди.

Талабалардан бир гуруҳи «Қомусимиз бизга илм олиш, тинч ҳаёт кечириш, эртанги кунга ишонч билан қадам ташлашга имкон яратиб беряпти. Биз шу юртни, Юртбошини ҳимоя қилишга, керак бўлса жонимизни ҳам фидо қилишга тайёрмиз!» деган даъват билан чиқишди. Бу чақириққа йиғилганлар якдил қўшилдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАҚҚОСЛАШНИНГ ИМКОНИ БОР

Наманганда Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш вилоят маркази учун давлат университетини танлашди. Сабаби, бу ерда ҳуқуқий адабиётлар етарли, илмий-амалий малакали профессор-ўқитувчилар ҳам. Бўлажак педагоглар мамлакатимиз Қомусини пухта ўрганишяпти. Бошқа меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, истиқоматгоҳлардан келганларга ҳам эшик очиқ. Марказ раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Аҳмаджон Шарипов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади.

— Қонунлар алифбосини бирров ўқиб чиқишнинг ўзи етмайди. Уни уқиш керак. Масалани худди шу тахлитда қўйяпмиз. Конституция тарғиботига 26 нафар маърузачи тайинланган. Ҳар бири Асосий қонуннинг у ёки бу қирраси бўйича матн тайёрлаган. Тингловчилар тоифасига қараб уларни жойларга юборамиз. Бу ўз навбатида Асосий қонун моддаларини маълум бир қатламнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан боғлаб тушунтиришга йўл очади.

Одамлар маърузачиларнинг чиқишларини тинглаб, уларни саволларга кўмиб ташлашяпти. Мингбулоқ туманида қишлоқ меҳнатчилари ҳузурида «Конституция ва давлат ҳокимияти» мавзуида маъруза ўқиган профессор Мамашариф Нишонов айтиб берди. Қариялардан бири домладан «Келажакда мактаб ҳам пулли бўладими?» дея сўрабди. У киши мамлакатимиз фуқаролари бепул бошланғич ва ўрта таълим олишга ҳақли эканликларини обдон тушунтирибди. Сиртдан қараганда оддий саволга бу оддий жавоб. Лекин, унинг замирида мустақил юрт фуқаросининг энг катта ҳуқуқларидан бири муҳрланганини англаб олиш учун Конституциянинг ичига кириб бориш керак.

Бизни қувонтиргани, суҳбат ва маърузаларга қизиқиш етарли.

Бир сўз билан айтганда, Конституцияни ўрганиш маркази қисқа фурсатда бу муҳим ҳужжат бўйича етарли тушунча оладиган масканга айланди. Унда мингдан зиёд адабиётлар, етарлича услубий қўлланмалар бор. Ҳатто, АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Қирғизистон конституцияларини ҳам келтириб қўйганмиз. Бу мамлакатимиз Конституциясини таққослаб, ўзига хос томонларини билиб олиш имконини туғдиради.

Шунингдек, бу борада алоҳида курслар ташкил этилгани қўл келмоқда. Унинг тингловчиларига 36 соатлик дастурни ўзлаштирганларидан сўнг махсус сертификат берилади ва жойларда Конституция тарғиботи бўйича иш олиб боришади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Қ.НАЖМИДДИНОВ**
**ёзиб олди.**

*Шаҳрихон туманлараро прокуратураси ходимлари аҳоли орасида ҳуқуқ тарғиботи ишларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар мактаблар, ўқув юртлари, маҳалла ва гузарларда бўлишиб, ана шу мавзуда ёшлар билан учрашмоқдалар, фуқаролар билан мулоқотлар ўтказишяпти.*

*СУРАТДА: Шаҳрихон туманлараро прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Тоҳиржон Саидаҳмедов қишлоқ хўжалиги коллежи талабалари даврасида.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



# ҲЕЧ КИМ ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ

**Балки билиб-билмай қўл уради, унга. Тўғри жиноятга жазо муқаррар. Лекин адолат ва ҳақиқат тарозуси ҳамиша керак. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жиноий жазоларнинг либераллашиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.**

Юртбошимиз ўтган сессияда суд-ҳуқуқ ислоҳотининг юқори босқичга кўтариш борасида нутқ сўзлаган эдилар. Бундан кейин Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жиноий жазони либераллаштиришга оид бу ўзгартишлар кўпчилик томонидан маъқуллаб кутиб олинди.

Мулоҳаза

Эътибор беринг. Жиноят кодексидаги 87 та жиноят таркибидаги санкциялар енгиллаштирилиб, улардан 26 тасида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш чоралари чиқарилиб ташланибди. Эндиликда баъзи терговлар йиллаб олиб борилмайди, 9 ойгача деб аниқ чегаралаб қўйилди. Мол-мулки мусодара қилинмайди. Тасаввур қилинг, кимдир жиноятга қўл урса-ю, унинг жабри бутун оила гарданига тиралса.

Ёки вояга етмаганларга нисбатан эндиликда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланмаслигини олиб кўрайлик. Ҳаётда озгина адашган ўсмирнинг пешонасига тамға босишдан не фойда. Қамоқдан келган йигит қайси идорага бош суқса «сен қамалиб келгансан, иш йўқ» деган жавобни эшитади. Бекорчилик, рўзғор ташвиши уни яна жиноятга бошламайдими? Қўшни қишлоқда яшовчи мўмин-қобил йигитни бир бебош измига солиб ўғирликка ундади. Кўп қийналди бечора. Шундайларни қамоқсиз ҳам жазолаш мумкин экан-ку!

Жиноят кодексига киритилган ўзгаришлар инсонийлик, ғамхўрлик ҳисси билан суғорилган. Уни тушунмаслик мумкин эмас. Аёлларга, кексаларга кўзда тутилган санкцияларни, ярашув тўғрисидаги ишларни назарда тутамизми, қўйинг-чи либераллаштиришдан ҳар бир фуқаро манфаатдор.

Ёшим 23 да, шифокорман. Яқинда ишга киришдим. Инсон соғлигига жавобгарман. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари эса ҳар бир фуқаро тақдири ҳақида қайғуришдир. Азалдан маълумки, қаерда қонун устувор бўлса, ўша ерда эркинлик сезилган. Қатъиятлик ҳамиша керак. Қонунга суянаман деган, ундан мадад кутган ҳар бир кишининг ўзи шу қонунни яхши билиши шарт. «Қонун — адолат мезони» мақоласини жамоамиз ўртасида тушунтиришга ҳаракат қилдик. Уни маҳалламиз оқсоқоллари бир олам қувонч билан кутиб олдиларки, айримларининг кўзларида мамнуният кўрдим.

Тан олиш керакки, кўплаб жиноятлар қонунни билмасликдан содир бўляпти. Янги қонунни ҳар бир фуқаро, айниқса, аёллар онггига сингдириш шарт. Ҳуқуқий тарбия доимий ишга айлансин. Аввало қонунни ҳурмат қилайлик. Қонунни ҳурмат қилган одам ҳеч қачон унга зид иш қилмайди.

**Алишер ЖЎРАЕВ,**
**Навбаҳор тумани марказий шифохонаси врачи.**

Куяр жоним...

# «ҚАШҚАДАРЁДА ТЕЛЕФОН БОШҚАЧАМИ?...»



Уйга меҳмон келувди. Қайгадир қўнғироқ қилишга тўғри келиб қолди. Телефон гўшагини кўтарган меҳмон ғалати ҳолга тушди ва алланечук ажабланиш билан деди: «Қашқадарёда телефон бошқачами?»

— Нимага бунақа деяпсиз? — деб сўрадим, саволга жавоб билан.

— Нималигини мана ўзингиз билиб олинг, — у қўлидаги телефон гўшагини узатди. Гўшакни қулоғимга олиб бордиму нима гаплигини дарҳол тушундим.

— Қўшилиб қолди, шекилли. «Трубка»ни қўйинг, — дерди хириллаб бир эркак. — Биров гапираётганда орага суқиласан-да, яна «трубка»ни қўй, деганингга бало борми, — шанғиллардиаёл киши. —Эшитаяпсизми, Эшмат ака. Нималар бўлаяпти ўзи, — ҳирингларди ингичка товушда яна бири.

— Э... бу ҳар доимги гап-ку, — дедик меҳмонга. — Қаршида, умуман Қашқадарёда бу янгилик эмас. Бирданига 7-8 киши бирваракайига гаплашиб ишини битказаверади.

— Шунақами, билмаган эканмиз, — яйраб кулди меҳмон.

Биз эса изза бўлсак-да, сездирмай кулгига олиб турдик.

Ҳақиқатан ҳам, телефон ҳақида сўз кетса, Қаршидан тортиб, исталган туманда ҳам алоқачилар шаънига нордон гаплар айтилади. Хўш, аслида нима гап ўзи? Нега Қашқадарёда телефон хизмати бу қадар ночор аҳволга тушиб қолган? Аҳвол шундай қоладими ё ўзгариш бўладими? Назаримда, ҳар бир қашқадарёлик шуни билишни истайди.

Маълум бўлишича, «Қашқадарётелеком» шўъба корхонаси раҳбарияти телекоммуникация тизимини қайта жиҳозлаш бўйича республикада биринчилар қаторида, яъни 1996 йили Шаҳрисабз шаҳрида Германиядаги «Алкател-СелАТ» компаниясининг 9808 рақамга мўлжалланган электрон АТСини ҳамда Баҳористон туманида Туркиянинг «Неташ» фирмасининг 1500 рақамли электрон АТСини ўрнатган. Бу ишлар «Ўзбектелеком Интернейшнл» Ўзбекистон—Индонезия қўшма корхонасининг хорижий таъсисчилари «Бакрий коммуникейшнс корпорейшн» («БКК») компанияси сармояси ҳисобидан бўлган.

Қарши шаҳри, умуман Қашқадарё вилояти туманларида электрон АТСини ўрнатиш, уларни бир-бирига боғловчи шиша толали кабеллар ётқизиш, узатиш тизимларини ўрнатиш бўйича ҳам «БКК» Германиянинг «Алкател», Япониянинг «Мицуи» компаниялари билан шартнома тузиб, аванс тўловларини тўлаган. Шунинг эвазига «Алкател» компаниясидан 24200 рақамга мўлжалланган 10 дона электрон телефон станцияси 1998 йили Қашқадарёга келтирилган. Лекин «БКК» қолган тўловларни тўлашга қийналиб қолади. «Алкател» компанияси эса келтирилган электрон телефон станциялари монтажини бошлашга розилик бермайди. Хуллас, станциялар икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида контейнерларда ётатуради. Натижада «чет эл жиҳози келди, алоқа ундай бўлади, бундай бўлади», деган раҳбарлар мулзам бўлиб қолишди. «Қашқадарётелеком» шўъба корхонаси бош директори Самад Каримов «Йиллар давомида турли раҳбарлар ва жумладан мен ҳам шундай катта ваъдалар бердикки, энди одам бир нима дейишдан ҳам қўрқади» дейишининг сабаби шу.

Хайриятки, «БКК» ва «Алкател» компаниялари ўзаро тил топишишди. Қарши шаҳридаги «Алоқа уйи»га 2048 рақамли, «Пахтазор» мавзесига 1130 рақамли, «Спутник» қўрғончасига 1500 рақамли, 6 ва 7-мавзеларнинг ҳар бирига 2000 рақамли, Эски шаҳар мавзесига 4000 рақамли электрон телефон станцияларини ўрнатиш ишлари тугалланди. Марказий АТСда охирги ишлар қизғин бормоқда. Сўнгги 30 километрда трассага кабель ётқизиш ишлари бажарилди. Бу жойларга шиша толали кабель ҳам ётқизилади. Шунингдек, Китоб тумани марказига 3500, Яккабоғ тумани марказига 2500, Яккабоғ қўрғончасига 1000, Қамаши тумани марказига 2500, Чироқчи тумани марказига 2022 рақамли электрон телефон станциялари (ЭТС) ўрнатилди. Бироқ шу йилнинг сентябрь ойигача Қарши шаҳрида умумий сиғими 12678 рақам бўлган 6 та ЭТС, шу йил охиригача юқорида айтилган тўртта туманда 11522 рақамли ЭТС ишга туширилиши мўлжалланганди.

Афсуски... Қарши шаҳрида телефон хизмати замонавий талаблар даражасида бўлса, рақамли технология жорий этилса, мижозларга ўнлаб янги хизмат туридан фойдаланиш имкони туғиларди. Ўшанда уяли алоқани танлаш, саноқли лаҳзаларда жаҳоннинг бу бурчагидан тортиб, бу буржигача бемалол телефон орқали гаплашиш мумкин бўларди. Аммо ҳозирча Қашқадарёда телефонлар эскича.

Ваъдалар кўп бўлган. Амалда эса... Ҳозиргача ҳам шундай бўлиб турибди. Умид қиламизки, энди ҳаммаси бошқача бўлади. Яна-ям ким билади дейсиз? Нима бўлганда ҳам телефон азобини сиз айтманг, мен ёзмай...

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Божхона курсантлари қасамёди

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг ҳарбийлашган божхона коллежида бу йил биринчи курсга қабул қилинган курсантларнинг қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Унда билим юрти профессор-ўқитувчилари, фахрийлар, курсантлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Йиғилишда Божхона қўмитаси раиси Ў.Комилов сўзга чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида божхона хизматини янада ривожлантириш, божхона органлари ходимларининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, давлат иқтисодий хавфсизлигини кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётганини, бу борада, айниқса, божхона коллежининг ташкил этилиши соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу илм даргоҳида кўплаб малакали мутахассислар етишиб чиқди. Коллежга курсантлар белгиланган давлат грантлари доирасида тест синовлари натижаларига кўра қабул қилинади. Бу ерда курсантларнинг касб майлларини, малака ва кўникмаларини ривожлантириш учун етарли шароит яратилган.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Қарор ва ижро*

# ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС



***Она замин, Она тупроқ, Она Ватан. Она сўзи билан йўғрилган бу иборалар замирида жуда кенг тушунча, улуғ қадрият, юксак ватанпарварлик мужассам. Зотан, инсон учун ҳаётда Ватандан муқаддасроқ олий туйғунинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз Ватан ҳимояси ва унинг шон-шавкати йўлида жон фидо қилиш ҳар бир эр кишининг ор-номус иши, ғурури бўлган ва у энг олий туйғу сифатида фарзандлар онгига сингдирилган. Халқимизнинг оилада ўғил фарзанд туғилса, «аскар муборак бўлсин, улғайиб чин инсон, юрт эгаси бўлсин», — дея бир-бирини муборакбод этиши ҳам шундан.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришган йили эндигина мактабга қадам қўйган болалар бугун ҳақиқий эр йигитлар бўлиб улғайиб, Ватан ҳимоясига бел боғламоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор ижроси жойларда қандай таъминланаётганлигини билиш мақсадида бир қатор ҳарбий жамоаларда бўлган чоғимизда шунга амин бўлдикки, бугунги кун ёшлари ҳарбий хизмат моҳиятини теран англайдилар. Айниқса, уларнинг Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, Ватан ҳимоясини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳар қандай топшириқларни бажаришга ташин эканликлари ва ҳарбий хизматга келгунига қадар бунга жисмоний ва маънавий жиҳатдан махсус тайёргарлик кўриб келганликлари бизни янада хурсанд этди.

— Мен Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таҳсил олиб, бугун Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўташ учун ҳарбий хизматга келдим, — дейди ҳаво десантчилари қисмида ҳарбий хизматни бошлаган оддий аскар Хондамир Миртожиев. — Менинг орзуларим улкан, лекин ана шу орзуларим ушалиши учун, аввало ўзимнинг конституциявий бурчимни адо этишим керак. Бу менинг Ватан олдидаги ҳам қарзим, ҳам фарзим, деб биламан.

Оддий аскар Хондамир Миртожиевнинг яккама-якка суҳбат чоғида айтган бу гаплари капитан Фурқат Зокировга манзур бўлди ва Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар Бош бошқармаси томонидан тавсия этилган «Педагогик кундалик» дафтарига қайд этиб қўйди.

— Айни кунда биз қисмимизга келган ҳар бир оддий аскар билан белгиланган режа асосида ана шундай суҳбатлар ўтказаяпмиз, — дейди капитан Фурқат Зокиров. — Мақсад — қўл остимизга келган аскарнинг хулқ-атворини оилавий аҳволи-ю, унинг нималарга қизиқишини, қай даражада қобилиятли эканлигини ўрганиш, яқиндан билиш. Ҳар бир аскарнинг фазилати ва хизмати давомидаги унинг руҳиятидаги ўзгаришлар «Педагогик кундалик»ка мунтазам қайд этиб борилади. Қисмимизда «Аскарлар жамоа кенгаши» мавжуд. «Кенгаш» аъзолари қисмимизда асосан тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, ҳарбий хизмат давомида қийналиб қолган аскарларга руҳий-маънавий кўмак бериш ва уларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш билан шуғулланишади. Қолаверса, «Аскарлар жамоа кенгаши» қисмимизда ўтказиладиган байрамларни, маданий-маиший тадбирларни уюштирувчи, ташкиллаштирувчи бош ташаббускор гуруҳ ҳисобланади. Бу борада бизга Хондамирдек йигитлар жуда асқотади.

Ҳа, айни кунда Қуролли Кучларимизнинг аксарият қисмларида ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарлар ўрнини ёш аскарлар эгаллаяпти. Албатта, бу ёш аскарлар қўлига дарҳол қурол тутқазиб, мураккаб амалий машғулотларга жалб этилаётгани йўқ. Айни пайтда уларни ҳарбий ҳаётга кўниктириш, ҳарбий қасамёдга тайёрлаш бўйича тадбирлар амалга оширилаяпти. Ота-она... барибир, ота-она-да! Фарзанди камолот ёшига етиб, Ватан ҳимоясига отланган бўлса-да, уларни аввало жигарбандининг яшаш шароити, овқатланиши, қандай кийинтирилгани қизиқтиради. Биз шундай савол билан қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Алишер Расулмуҳамедовга мурожаат қилганимизда у кишининг жавоби лўнда бўлди:

— Сиз матбуот ходимлари доим шу мавзуга урғу беравересиз. Ахир Қуролли Кучларимиз ташкил этилганига ўн йил тўлаяпти! Бугун биз Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, уни тараққиётнинг янги босқичига кўтариш устида иш олиб бораяпмиз. Шахсий таркибнинг, яъни аскарларнинг овқатланиши, кийиниши, яшаш шароитлари ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади. Чунки бу муаммолар аллақачон, тўлақонли ҳал этилган.

Биз яна бир қатор ҳарбий бўлинмаларда ҳам бўлдик. Барча жойда ёш аскарлар билан уларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишгача бўлган машғулотлар, яъни саф тайёргарлиги, жисмоний чиниқтириш, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, жанговар қурол ва техникалар билан таништириш каби ҳарбий ҳаёт кўникмасига эга бўлишга доир машқлар олиб борилаётганининг устидан чиқдик. Туман, ундан сўнг вилоят чақирув пунктларида тиббий кўрикдан ўтиб келган ва ҳарбий хизматга лойиқ деб топилган ёш аскарларнинг ҳарбий қисмда яна бир бор тиббий кўрикдан ўтказилаётгани эътиборимизни тортди. Буни изоҳлаб беришни қисм врачи Ўрмон Мамадалиевдан сўрадик.

— Бизнинг ҳарбий қисмимизга йигитлар саралаб олинади. Чунки уларни олдинда мураккаб машқлар кутаяпти. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўзлари яшаб турган туман, шаҳар ёки вилоятларда тиббий кўрикдан ўтаётганда кўпроқ уларнинг ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқли эмаслиги аниқланади. Ҳарбий хизматга жўнатилаётган йигит қайси қўшин турида ёки қандай қисмда хизмат қилиши эса тиббий кўрик жараёнида бироз эътибордан четда қолади ва баъзан бунинг имкони ҳам бўлмайди. Масалан, бугун бир аскарни мен тиббий кўрикдан ўтказиш мобайнида шуни аниқладимки, ёшлигида, яъни бундан саккиз йил олдин унинг оёқ суякларидан бири синган экан. Унинг ҳаво десантчилари қисмида хизмат қилишига мен рухсат беролмайман. Чунки парашютдан сакраш чоғида у қайта жароҳат олиши мумкин. Ўтган йиллар мобайнида айрим ёшларимиз носоғломлигини тиббий кўриклардан ўтиш жараёнида яшириб ҳарбий хизматга келиши ва мураккаб хизматлардан кейин бу ошкор бўлиши натижасида, бир қатор аскарларни муддатидан олдин уйларига қайтаришга мажбур бўлдик. Шунинг учун ҳам кузги чақирув мавсуми юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги қарорида чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнига урғу берилган.

— Демак, ўз Ватани учун хизмат қилишга қанчалик оташин бўлмасин бундан саккиз йил олдинги жароҳати учун ҳам сиз айтган аскарни уйига қайтарасизлар?

— Унинг соғлигини, ҳаво десантчилари қисмида хизмат қилишга лойиқ эмаслигини Марказий ҳарбий госпиталда махсус комиссия аъзолари яна бир бор тиббий текширувдан ўтказиб, якуний хулосани айтишади. Эҳтимол, у бошқа қисмларда хизмат қилишга лойиқ топилар. Биз фақат белгиланган тартиб, қонун доирасида иш олиб борамиз.

Ҳарбий бўлинмаларда яна кўплаб ёш аскарлар билан мулоқотда бўлдик. Улар ўзларини жанговар ҳарбий бўлинмаларда хизмат қилишга лойиқ топишганларидан бахтиёр ва бундан ғурурланишади. Ёш аскарлар ҳузуридан қайтарканмиз, хаёлимда турли фикрлар ғужғон айланади. Мустабидлик йиллари йигитларимиз асосан қурилиш батальонларида хизмат қилишди. Уларга жанговар қурол, ҳарбий техникалар ишониб топширилмади. Боболари ҳарб илмининг буюк саркардалари бўлса-да, ҳарбийликка лаёқатсиз деб топилган халқ ўғлонлари бугун профессионал армияни қарор топтириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Ёшлар «мана мен» дея жанговар сафларнинг олдинги қаторида бўлишга интилмоқда. Халқ тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида жон койитиб, камарбаста бўлмоқда.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**ҳарбий журналист,**
**капитан.**

*Муҳим қўлланма*

# ТАҲЛИЛИЙ ДАСТУР

## 2001 йил тест якунларига бағишланади

Маълумки Ўзбекистонда МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб давлат даражасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга қабул қилишда тест тизими жорий этилганди. 1992 йилда тажриба сифатида бошланган мазкур тизим мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида таълим ислоҳотлари йўлидаги ўзига хос қадам бўлди. Тестнинг адолатли ва холис тизим эканлигига одамлар ишончи йилдан-йилга мустаҳкамланди.

Кейинги йилларда илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан ўрганиб, замонавий компьютер технологиялари ва ахборот техникаси ютуқлари асосида олиб борилаётган тест синовлари анча такомиллашди, ривожланди. Лекин шунга қарамай мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимда сифат жиҳатдан ўзгаришлар бўлишини, умумтаълим мактабларини битирувчилар билим даражасини холисона баҳолашни тақозо қилар эди. Шу боис 1996 йилдан янги тест технологияси соҳасида изланишлар бошланди. Бунда асосан янги тест топшириқларини ишлаб чиқиш, улар жамғармасини яратиш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бу жараёнлар ёшларнинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлик билан баҳолашга имкон бериши шубҳасиз эди. Шу мақсадда Ўзбекистонда биринчи марта кўп вариантли тест тизими ишлаб чиқилди. Бундай тизимнинг жорий этилиши тест технологиясини тубдан ўзгартирди ва айрим камчиликларни бартараф этишда қўл келди. Эндиги вазифа тест топшириқлари жамғармасини яратиш ва уни кўпайтириб боришдан иборатдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда тест топшириқлари жамғармаси ҳажми 120 мингдан ортиқ.

Бу каби маълумотлар сиз, азиз, муштарий эътиборига ҳавола этилаётган, ўзининг ҳажми, матнларнинг одатдан ташқари каттароқ ҳарфларда берилиши, шу йилги тест якунлари таҳлилининг исботи сифатида келтирилган жадваллар, диаграмма, гистограммаларнинг турли-туманлиги билан ажралиб турган «2001 йил Тест якунлари (Таҳлилий материал)» деб номланган китобда батафсил баён этилган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб тайёрланган мазкур китоб муаллифи Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Муҳсинжон Муҳитдиновдир.

Ўзбекистон Давлат тест маркази фаолиятининг хориждаги марказлардан фарқи ошкораликка асосланганлигидадир. Боиси, марказнинг бутун фаолияти оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилади. Қолаверса, анъанага айланган таҳлилий материаллар нашри республика таълим тизими манзарасини яққол кўрсатиб беради. Мазкур таҳлилий дастурда ҳам 270 минг нафардан ортиқ абитуриент тайёргарлик сифатининг мониторинги ва билим даражасининг минтақалар, мутахассисликлар, ўқув фанлари ва таълим тиллари бўйича тақсимланиш манзараси ўқув жараёни аҳволини, таълим тизимининг ютуқ ва камчиликларини баҳолашга имкон беради. Шунингдек, китобда кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича олий ўқув юртларидаги тест натижалари ҳам баён қилинган.



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу йил кундузги ва сиртқи таълим шаклларида абитуриентлар сони ўтган йилга нисбатан ортган. Таълим ўзбек тилида олиб борилган мактабларнинг битирувчилари учун иқтисодиёт, математика, техник таълим йўналишлари, педагогика, ўзбек филологияси устуворроқ бўлган. Рус мактабларини битирувчиларда эса қизиқиш кўпроқ иқтисодиёт, рус филологияси, техник мутахассисликлар ҳамда роман-герман филологиясига экани сезилади. Қизиқишлар ҳатто минтақавий нуқтаи назардан ҳам китобда алоҳида кўрсатилган. Шу билан бирга қишлоқ мактабларидан чиққан абитуриентлар миқдорининг доимий ўсиб бораётганлиги, ўқишга кирганлар орасида қишлоқ ёшлари кўпчиликни ташкил этиши ҳам таҳлилларда яққол кўзга ташланади.

Китобда шунингдек, 1998 йили ташкил этилган академик лицейларнинг дастлабки битирувчиларининг олий ўқув юртларига ўқишга киришидаги миқдори ва сифат кўрсаткичлари таҳлили ҳам акс эттирилганки, бу аслида илк бор ўтказилганлиги билан аҳамиятлидир. Қўлланма том маънода бугунги кунда республика таълим соҳасининг қиёфасини, кўп вариантли тест тизимининг шаклланиш босқичлари ҳамда афзалликларини атрофлича тасаввур қилиш имконини беради. Бу эса янги педагогик технологиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишга илмий асос бўлиши мумкин.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Таътил беҳуда ўтмайди

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кузги таътили давом этмоқда. Шу боис болаларнинг бўш пайтларини намунали тарзда ташкил этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази фаолияти бир қадар жонланган.

Марказ ва унинг бўлимларида ўқувчилар бошланғич техник моделлаштириш, қишлоқ хўжалик машиналари, миллий ҳунармандлик ва дизайн, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт, кимё, саноат, маиший техника йўналишлари бўйича таълим олиб, ихтирочилик сир-асрорларини ўзлаштиради.

- Марказимизда техника илмидан сабоқ берилиши билан бир қаторда, маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор берилади,- дейди унинг раҳбари Т.Қорабоев. - Жумладан, техника соҳасининг бўлғуси кадрлари учун таътил кунларида тарихий обидалар, истиқлол иншоотлари, музейларга саёҳатлар, турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашни талаб этади.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# КОНИМЕХЛИК ҚОРАКЎЛЧИЛАР

***Навоий вилояти Конимех туманидаги «Сарибел» қоракўлчилик ширкат хўжалигида «Уч бош» номли хусусий кичик корхона иш бошлади. Асосан, қоракўл териларини қайта ишлашга мўлжалланган ушбу корхонани тадбиркор Эсонали Узоқов ўз сармояси ҳисобига бунёд этди. Натижада 20 нафар қишлоқ ёшлари янги иш ўринлари билан таъминланди.***

***Шунингдек, бу ерда қоракўл териларидан пальто, қўлқоп ва телпак сингари кийим-кечаклар тикилмоқда.***

*СУРАТДА: тикувчи Клара Узоқова.*

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ

**Австрия пойтахти Вена шаҳрида жорий йили Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган анъанавий ретроспектив фильмлар фестивали ниҳоясига етди.**

Таъкидлаш жоизки, мазкур кино форум "VIENNALE" Вена халқаро кинофестивали дирекцияси томонидан ташкил этилди. "VIENNALE" немис тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги кўҳна санъат анжуманларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ушбу кинофестивалда "Аччиқ мева", "Сиз кимсиз?" фильмлари, шунингдек, "Қоракўл", "Оролқум" ва "Ташналик" номли қисқа метражли фильмлар билан иштирок этди. Алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз кино ижодкорлари яратган мазкур асарлар тадбир иштирокчиларида катта ва ўзига хос қизиқиш уйғотди.

Киноанжуман ташкилотчиларининг фикрича, ўзбек фильмларининг намойиши Австрия жамоатчилиги учун ўзбек кинематографиясининг бугунги куни билан яқиндан танишишга қулай имконият яратиш баробарида уларни халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан рўпара қилди.

**"Жаҳон" АА.**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

# Ҳужжат имзоланди

**Гаага шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Нидерландия Қироллиги ўртасида даромадларнинг икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ва даромад ҳамда капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция имзоланди. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга янги туртки бўлади.**

**Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари борасида фикрлар алмашинуви чоғида Голландия номидан ҳужжатни имзолаган Нидерландиянинг молия давлат котиби В.Босс, жумладан, мазкур битимни имзолаш хусусидаги музокаралар амалий вазиятда ўтиб, икки давлатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка бўлган интилишларини яна бир бора исботлади, деб таъкидлади.**

**Таъкидлаш жоизки, Нидерландия Ўзбекистон билан икки ёқлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик тўғрисидаги шартномани имзолаган ўттиз олтинчи давлат бўлди.**

«Жаҳон» АА.

# ЭКОЛОГИК ТАЯНЧ МАКТАБЛАРИ

**Бухоро вилоятининг 18 та мактаби экологик таълим бўйича таянч мактаби мақомига эга бўлди. Бу мактабларда экология асослари — атроф-муҳит муҳофазаси, ҳаво, сув, тупроқ ифлосланишига йўл қўймаслик, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини авайлаб-асраш чуқур ўргатилади.**

**Мазкур мактабларда экологик хоналар ташкил этилиб, мавзуга хос тарзда жиҳозланмоқда. Бу ишда олимлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари билан ҳамкорликда ушбу билим даргоҳларида бўлиб, экология дарсларини амалий машғулотлар билан қўшиб ўтиш борасида тавсиялар бермоқда.**

ЎзА.

# Она ва болаларнинг ғамхўри

"Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимига қарашли "Автоамбуланс" машиналарини Сурхондарёнинг узоқ тоғ қишлоқларида, дашту биёбонларида тез-тез учратиш мумкин. Малакали врачлар ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи чекка қишлоқларда яшовчи тўққиз мингга яқин оилага тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, гуруҳ кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда.

"Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг фаолият доираси кенг. Наврўз байрами кунларида Денов туманидаги 67-махсус интернат-мактаб тарбияланувчиларига 300 минг сўмлик, Бойсундаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига 450 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Бу жойларда тарбияланаётган болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

Жамғарма "Она ва бола" давлат дастурида белгиланган бошқа тадбирлар, хусусан, болаларни жисмоний чиниқтиришга қаратилган спорт мусобақаларини ўтказишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёшларни оила қуришга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи 16 та курс очилиб, у ерда 3 минг 800 нафар ёш йигит-қиз ўқитилди. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш бўлимлари ҳузурида ташкил этилган доимий курсларда минглаб ёшлар никоҳ тўғрисида тушунчалар олди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*ИИВ тезкор хабарлари*

## ЙЎЛТЎСАР

**Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги «Спутник» даҳасида жойлашган «Феруза» дўкони ёнидан кетаётган З. Аджиасман кутилмаган ҳодисадан бироз довдираб қолди. Негаки, бир барзанги йигит қўлида калитни ўйнатиб, биродар «Курткани еч», — деб турарди.**

**Нима, сен уни олиб бериб қўйганмидинг, ёки ярим пулини тўлашганмидингки ечиб берсам деганди ҳамки қулоғи тагидан тарсаки тушди. Қисқаси нафақат курткасидан балки, қўлидаги соати ва чўнтагидаги 13 минг сўм пулидан ҳам айрилди.**

**Зўравон тушган ўлжадан хурсанд бўлиб юрганди. Бу ҳақоратга чидай олмаган З. Аджиасман ўша вақтдаёқ ички ишлар бўлимига хабар қилгач муқаддам судланган И. Гараев тонг отмасдан қўлга олинди.**

**Ҳозирда йўлтўсар терговчилар сўроғига жавоб бермоқда.**

## ЗЎРАВОН ҚАССОБ

**Фарғона шаҳридаги деҳқон бозорида жойлашган хусусий дўкончалардан бирида гўшт сотувчи А. Раупов устоз кўрмаган шекилли, пичоғини молга эмас, одамларга ўқталиб пул топа бошлайди. Дастлаб ҳамкасби, марғилонлик тенгдоши, 1982 йил туғилган Ф. Охуновни пичоқ билан қўрқитиб, ундан беш минг сўмни куртдай санаб олади. Кейинги куни эса унинг акасидан 22 минг сўмни шу йўл билан тортиб олади. Учинчи куни ака-ука бир четда қолиб уларнинг отаси С. Охуновни нишонга олади. Бироқ, уни қўрқитишнинг иложини тополмагач, товламачилик йўлига ўтиб аранг 8.5 мингни қўлга киритади.**

**Ажабланарлиси шундаки, 35 минг 500 сўм пулидан айрилган ота-болалар негадир бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар қилмайдилар. Бироқ, унинг бошқа бир зўравонлигидан хабар топган ички ишлар ходимлари уни тергов қилиш жараёнида юқоридаги ҳолатларни ҳам аниқлашди. Зўравон қилмишига яраша жазоланди.**

## ЎҒРИ ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

**Фарғона шаҳрида В. Аллановaнинг уйидан аёл киши буюмларни ўғирлаб кетганлиги маълум бўлди.**

**Хонадондан ўмарилган 183 минг сўм пул ва 12 турдаги заргарлик буюмларини ким ўғирлаши мумкин, деган саволга жавоб излаган милиция ходимлари хонадон соҳибасининг кўрсатмасига биноан Намангандан топишди. Ушбу вилоятнинг Учкўрғон тумани «Кўчқорота» жамоа хўжалигида яшовчи уй бекаси Мирзааҳмедова Аллановaнинг уйи эшиги очиқлигидан фойдаланиб, қимматбаҳо буюмларни ва пулларни олиб кетган экан.**

## ПУЛ ТОПИЛДИ

**Сирдарё вилоятининг «Гулистон» темир йўл бекатида номаълум шахс «Тошкент-Андижон» поезди йўловчиси Фарғона вилоятининг Фурқат туманида яшовчи Х. Жўраеванинг сумкасидан 450 минг сўм пулини ўғирлаб кетган эди.**

**Орадан ўн кун ўтгач ички ишлар ходимлари опани севинтирадиган бўлишди. Тинимсиз олиб борилган саъй ҳаракатлардан сўнг жабрдийданинг пулини қўли эгри А. Худойқулов олганлиги маълум бўлди.**

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ Матбуот маркази ходими.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**2001 йил 8 ноябрдан бошлаб**

**иқтисодий йўналишдаги бошқармаларнинг мутахассислари бўш ўринларига**

**ишга қабул қилиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**



*ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:*

- иқтисодиёт соҳасидаги бакалавр ёки магистр унвони борлиги;
- чет тиллардан бирини мукаммал билиш;
- компьютерда ишлаш тажрибаси;
- 23-30 ёш.

**Шунингдек, ўрта бўғин раҳбарлари бўш ўринларига ишга қабул қилиш учун ҳам танлов ўтказилади.**

*ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:*

- профессионал иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлмаслиги;
- олий маълумот;
- чет тиллардан бирини мукаммал билиш;
- 35-40 ёш.

**Аризалар 2001 йил 20 ноябргача Ўзбекистон Республикаси ТИАВ кадрлар бошқармасида қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко к., 1 уй.**
**Телефонлар: 138-50-70, 138-50-58, 138-50-59.**

4943

*Орамиздаги одамлар*

# ҲАЛОЛЛИК СЎҚМОҒИ

Агар малол келмаса, мабодо «Ўтган кунлар»ни ўқимаётган бўлсангиз, сизга ишонч билан тикилувчи, сизга кулиб боқувчи ва бу боқишида на таъма, на илинж бўлган бир одамнинг қиёфасини кўз олдингизга келтиринг.

У киши ҳикоямиз қаҳрамони — кичик тиббиёт ходими Абдуқаюм Хўжабековдир. Унинг энг биринчи хислати қувликдан йироқ, сирдан йироқ муомаласидир. Икки-уч бор учрашиб, қаҳрамонимнинг ҳамма нарсасини ёдлаб олдим, десам унчалик хато бўлмайди. Мана, менга маълум бўлган маълумотлар: Абдуқаюм Хўжабековнинг узунлиги 30 қулоч, эни 25 қулоч боғи бор. Боғида анор, олма, ўрик, шафтоли, беҳи дарахтлари шиғил-шиғил мева тугади. Унинг Шуҳрат, Бердимурод, Зафар, Диёр, Илҳом исмли бир-биридан мўмин, бир-биридан қобил ўғиллари бор.

Шуҳрату Бердимурод бу йил меҳнат ҳақларига 800 килограмм, Зафарбек эса 50 килограмм буғдой олди. Диёр ва Илҳомлар мактабда ўқишади.

Қаҳрамонимиз 12 минг сўм маош олади. Янгамиз Анорхон опа эса ҳар ойда 6950 сўмлик ногиронлик нафақа пулига имзо чекади. Бердимурод буғдойнинг ўрнига экkan кечки экин — маккажўхоридан юз пуд дон олишни мўлжаллаб турибди. Қўға деган сув ўтини яхши биласиз. Қўға ўрилиб, офтобда бир ҳафта қуритилса, ажойиб арқон бўлади. Хўжабековлар ана шу майин қўға арқонига яқинда 25 та қирқма қовун, 20 та қоратарвуз осдилар.

Абдуқаюм Хўжабеков Навоий номли ширкат хўжалиги марказидан то Боёвут тумани марказида жойлашган «тез ёрдам» бекатигача бўлган 5740 қулоч масофани бир неча йилдирки, пиёда босиб ўтади. Агар автобусга чиқса, фақат чипта пулининг ўзига бир ойда 2400 сўм сарфланишини у яхши билади.

— Бир-икки йил аввал қишлоқ билан ишхонам ораси 5200 қадам эди. Нега унинг кўпайиб кетганлигини ўйлаб-ўйлаб охири сабабини топиб олдим, — дейди Абдуқаюм Хўжабеков. — Ёши ўтган сайин кишининг қадам ташлашида шахдамлик камайиб борар экан. Бўлмаса денг ҳар доим битта сўқмоқдан қатнайман...

Юқорида унинг таъмадан, нолишдан, мунгдан йироқ нигоҳлари ҳақида гапирдик. Унинг ҳаракатида, сўзларида сабаби фақат ўзигагина маълум тузуккина ўктамлик бор. Аммо баъзилар уни тез-тез жеркиб қўйишни ўзларининг бурчи деб билишади. Бунга кўпинча унинг эгнидаги оҳори тўкилган кийим-бошию куз адоғигача оёғидан тушмайдиган шиппаги сабаб бўлади.

— Абдуқаюм ака, нима учун бунақанги кийинасиз? Уят бўлмайдими? Ўттиз йилдан буён тиббиёт ходими деган «шарафли» номга эгасиз.

«Шарафли» деган сўзни мен атайлаб қўштирноққа олдим. Чунки танбеҳ берувчилар унга айнан мана шундай баландпарвоз гаплар билан мурожаат қилишни, уялтиришни хуш кўришади.

Абдуқаюм акамиз жуда зўр дўхтир. Уни беморлар илтимос билан чақиришади. Гапингизни қарангу...

Орадан бироз ўтгач, бойваччанинг қон босими асл ҳолига келди. Чеҳрасига мужмал бир кулги ёйилди. Пайпаслаб ёстиғи тагидан ҳамёнини олди-да Хўжабековга бир тахлам пул узатди. Орага яна шифокор ҳамроҳи қўшилди.



Қаҳрамонимиз гапирмайди. У бундай таъналарга ним табассум билан жавоб бериб, у ер, бу ерини силаб-сийпалаб қўяди. Нима десин у? Танбеҳ берувчиларга оиласи катталигини, маоши камлигини, эр етган икки ўғлини уйлантиришга тараддуд кўраётганлигини гапириб берсинми? Таъна кўпинча ундан ўзини устун қўйган, ўзини ўта ақлли ҳисоблаган таниш-билишлари оғзидан чиқади. Бундай таънага журъат қилганлар унинг кўнглини, унинг дилини қаёқдан ҳам билсин!

Ҳамкасблари йигирма тўрт соат ишлашади. Кечқурун навбат ошлари бор. Қаҳрамонимиз учун кечки овқатланиш соатлари жуда-жуда қийин кечади. Сабаби у навбатга қўшилмаган. Сабаби у уйдан олиб келган бир дона нони ва бир ҳовуч туршагини бемалол еийшни истайди. Таомга таклиф ва бу таклиф ортидан эргашиб келувчи қочириқ ҳамда ҳазиллар уни жуда-жуда чўчитиб қўйган. Лекин у чидайди. У тишини-тишига қўяди. У кечиримли ва таъналарни тез унутиб юборишга ўттиз йил давомида кўникиб кетган.

Яқинда ажабтовур бир воқеа бўлди. «Тез ёрдам»га туман марказидан қўнғироқ қилишди. Бемор, яъни хонадон соҳиби бойвачча одам эди. Қути кўтариб олган қаҳрамонимизга у узоқ ва синчиклаб разм солди. Сўнг у билан келган шифокорга мана бундай деди: «Укол қиладиган бошқа тузукроқ одамларинг йўқмиди?» Қаҳрамонимизнинг шериги уй эгасига ўқрайиб қаради. Афтидан, бу таъна унинг бошидаги сочидан ўтиб то бошмалдоғининг тирноғигача етиб борди шекилли.

— Қон босимингиз 200 дан ошиб кетган бир пайтда кишининг кийим-бошига бунчалик эътибор билан қараганингизга ҳайронман...

— Энди бу ишингиз умуман ортиқча бўлди. Абдуқаюм ака умрида бировдан бир тийин ҳам пора олмаган. Пора олганда аллақачон юриш-туриши бошқача бўлиб кетарди.

— Э ука, нима деб валдираяпсиз? Мен пора эмас, чой-чақа беряпман. Бир қўнғироқ қилсам, Тошкентдаги манаман деган профессорлар ҳам хизматимга қанот чиқазиб, учиб келишади. Вой-бўй, битта укол қилдиларинггу осмон узилиб ерга тушдими?

Хўжабеков докторнинг енгидан тортиб «кетдик» дегандек ташқарига имлади. Йўлда шеригининг роса жазаваси тутди.

— Шу ҳалоллигингиз ҳам роса жонга тегди-да, Абдуқаюм ака! Қишлоқда ҳам, ишхонада ҳам ҳалоллик ҳақида гап кетса, нуқул сизни ибрат қилиб кўрсатишади. Анови аблаҳнинг берганини олиб кетаверганингизда мен билан ғижиллашмасди. Лўлининг эшагини суғору пулини ол, дейишган.

— Ўзингиз нега олмадингиз, ука?

— Э менинг чорвам, катта ерим бор. Менга бировларнинг садақаси керакмас.

— Нима, сиз садақани фақат камбағаллар олади, деб ўйлайсизми?

Шериги индамади. Зеро, бундай пухта гапга у нима ҳам десин? Қолаверса, қаҳрамонимизнинг шериги кўп бўлмаса-да, диёнат ва инсоф деган чегарани босиб ўтиш хавфли эканлигини тушунадиган одам эди. Тун. Кишини уйқу босади.

Сезган бўлсангиз, ҳикоямиз тобора адоғига етиб бормоқда. Мен фақат Абдуқаюм Хўжабеков йил ўн икки ой қатнайдиган сўқмоқдан атайлаб икки-уч маротаба бориб келганимни айтмоқчиман, холос. Бу сўқмоқнинг киши диққатини тортадиган ҳеч қандай хусусияти йўқ. Пахтазорни, ундаги ўқариқларни ёқалаб кетган оддий бир сўқмоқ. Хўжабеков аёзли қишда, сержилва кўкламда, жазирама ёзда, ёмғирли кузак кунлари мана шу сўқмоқдан қишлоққа, қишлоқдан ишхонасига пайдарпай қатнайди. Ўша дамларда у нималарни хаёлига келтирар экан? Эҳтимол, у бўй етган икки азамат ўғлини, уларнинг тўйларини, эл-халқ олдига ёзадиган камтарин дастурхонини ўйлар. Балки у ҳеч нарсани хаёлига келтирмай иссиқ уйига, мўъжаз боғлар қуршовидаги гўшасига етиб олишни орзу қилар...

Унинг кўнглидаги орзу-хаёлларини билмасам-да, ўзимча бир қарорга келдим. У нимани ўйлаган бўлса ҳам, нималарни хаёлига келтирган бўлса ҳам бу ўйо, бу хаёлларнинг бари-бариси ўзи каби бегард, юраги каби тиниқ, нигоҳи каби бокира бир туйғулардир.

Ва мен ўйлай бошладим. Бу сўқмоқдан ҳамма ҳам юравермайди. Бу сўқмоқдан бир қўнғироқ кучи билан Тошкентдан профессор чақирувчи кимсалар эса ҳеч қачон ўтишмайди. Негаки бу сўқмоқнинг фақат Хўжабековлар сингари кишиларга маълум бўлган ажиб бир сири, ажиб бир хосияти бор.

Бу сўқмоқдан ҳеч кимни на мажбурлаб, на илтимос қилиб, на ялиниб юргизиб бўлади. Ундан ё қўрқишади, ё шунчаки юришолмайди. Бошқача сабаб бўлиши асло, асло мумкин эмас!

Бу сўқмоқ ҳалоллар сўқмоғидир. Ундан юрганлар етиб борган манзилларга на машинада, на ракетада етиш мумкин.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Боёвут тумани.**

# ЧЕХИЯ ФОТОСАНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Чехия Республикаси фотосурат усталарининг кўргазмаси очилди.

Унда MILAN ижодий гуруҳига бирлашган 14 нафар ёш чех фотографининг 56 та сурати намойиш қилинмоқда. Уларда чех қишлоқлари манзаралари, экологияга оид лавҳалар, шаҳарлар кўринишлари ўзига хос шаклда намоён бўлган.

Кўргазма ўзбекистонлик томошабинларга чех халқининг бугунги ҳаёти тўғрисида ёрқин тасаввур беради.

Кўргазманинг очилиш маросимида Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Я.Людва иштирок этди.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*«Умид ниҳоллари»*

# БУГУННИНГ БОЛАЛАРИ

Кеча пойтахтимизнинг «Асбобсозлар» ўйингоҳи томошабинлар, тўғрироғи, «Умид ниҳоллари» мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда Юнусобод туманидаги ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўзаро куч синашдилар.

— Мусобақада тумандаги 43 та ўрта мактаб терма жамоалари иштирок этишмоқда, — дейди шаҳар «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раиси Бахтиёр Болтабоев. — Болаларнинг ҳар бир ўйинга профессионал спортчилардек ёндашаётгани кишини қувонтиради.

— Бу бизнинг «Турон» якка курашчилари, — дея фахр билан майдонда ҳар хил ўйинлар намойиш этаётган йигит ва қизларга ишора қилди, тумандаги 327-мактаб директори Қаҳрамон Исоқов. — Ҳали Замира Солмонова, Камола Саидаҳмедова, Махсит Жалгашевларнинг чиқишлари ундан-да, қизиқ бўлади.

Дарҳақиқат, туман мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган ушбу мусобақалар муросасиз ўтганлигини кузатиш мумкин. Ўйингоҳда ёш футболчилар ғолиблик учун кураша, Дилмурод Ғуломов, Арофат Йўлчибоева, Алишер Муҳаммедов, Наташа Глебова сингари спортчилар шахмат-шашка донасини сурадилар...

Туман қўшимча таълим мажмуасининг «Шаҳло», «Феруз» гуруҳлари, 327-мактабнинг «Турон» якка кураши федерацияси ўйинчилари эса турли томошалар, куй ва қўшиқлар билан ёш спортчиларни мусобақада ғолиблик учун курашга рағбатлантириб турди.

Эътироф этиш керак, туман мактабларида «Умид ниҳоллари» мусобақалари оммавийлик тусини олган.

— Мен келажакда шахматчи бўлмоқчиман, — дейди 327-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Махсит Жалгашев. — Ушбу мусобақалар менинг орзуимни янада мустаҳкамлади. Мен яхши шахматчи бўламан, деб сўз бераман.

Мусобақа иштирокчилари ёш спортчиларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улардаги қатъиятни, ғалабага бўлган ишончни, энг асосийси масъулиятни илғаш қийин эмас.

Туманда «Умид ниҳоллари» мусобақалари ниҳояланди. Ғолиблар аниқланди. Энди улар қишки таътил кунлари шаҳар биринчилиги учун ўтадиган «Умид ниҳоллари»нинг учинчи босқичида иштирок этадилар.

Мусобақа ўтган ўйингоҳни тарк этарканмиз, ажаб эмас, «Умид ниҳоллари» орасидан юрт байроғини жаҳон узра баланд кўтарган Артурлар, Муҳаммадқодирлар, Рустаму Иродахонлар чиқса, дея умид қилдик.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АҚШда ўқимоқчимисиз, марҳамат!

Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамияти, Фан ва техника давлат қўмитаси, Давлат илмий ахборот фонди АҚШнинг Халқаро таълим учун Америка ваколатлари жамғармаси (ACCELS) билан биргаликда Илмий техника кутубхонасида учрашув ташкил этди.

— Мақсадимиз жамғармамизнинг Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалари билан таништириш, — деди ACCELSнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Билл Сенд Вей. — Жамғармамиз бу йил мамлакатингизда бакалавриат, магистратура ва ёш олимлар учун мўлжалланган уч йўналишдаги дастур лойиҳаларини эълон қилган. Мазкур дастур ёш олимлар учун икки йиллик, бакалавриат учун икки-уч йиллик ва магистратура учун бир йиллик лойиҳа тарзида белгиланган. Йиллик қиймати 35 минг АҚШ долларини ташкил этадиган ҳар бир лойиҳа асосида таълим олган ёшлар Ўзбекистонга қайтгач, ўша соҳада икки йил ишлаб бериши шарт. Лойиҳа қатнашчиларидан инглиз тилини мукаммал билиш талаб этилади.

Асосан ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассисларига мўлжалланган ушбу танлов натижалари 2002 йилнинг апрел ойида маълум бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТОПИЛМАЛАР ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

**Қува шаҳрининг қадимги Шаҳристон тепалигида эрамиздан аввалги 5-7 асрларга тааллуқли топилмалар топилди. Археологлар қазишма ишлари давомида 32 та маданий қатламни ўрганиб, улардан халқимизнинг маданий-маиший, маърифий ҳаётига оид кўплаб ноёб осори-атиқалар топди.**

**Қазишма ишлари давомида юздан ортиқ экспонат йиғилди. Ўз даврининг нодир дурдонаси ҳисобланадиган барча осори-атиқалар Қува тумани тарих музейи ҳамда вилоят ўлкашунослик музейида сақланмоқда.**

**Ўз мухбиримиз.**

# ЖАЖЖИ ШАШКАЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

**“Ўзбектелефильм” ижодкорлари Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи 6 ёшли Гули Алиева ҳақида ўн дақиқали ҳужжатли фильм яратди. Гули мураббий А.Кардашевнинг шашка тўгарагида бир йилдан буён шуғулланади. Шу қисқа давр мобайнида қизалоқ шаҳар, вилоят ва республика биринчиликларида ғолиб чиққан.**

**Шу йил Гули Россияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг 6-12 ёшли спортчилар гуруҳида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

БАРЧА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ
**ДИҚҚАТИГА!**
**Rahnamo**
КОМПАНИЯСИ
**МДҲ ва Европа давлатларидан халқ истеъмоли моллари, дори-дармонлар ва ускуналарни тўғридан-тўғри етказиб беради:**

- бутун дунёдан сут маҳсулотлари (сариёғ, қуйилтирилган сут, сут кукуни, маргарин);
- истеъмол мойлари (маккажўхори, кунгабоқар, зайтун, пальма);
- шакар;
- буғдой уни, гречиха, гуруч ва бошқалар;
- озиқ-овқат қўшимчалари, ранг берувчилар, хушбўйлантирувчилар;
- озиқ-овқат, каустик, кальцийлаштирилган сода (Россия);
- Россиядан қоғоз маҳсулотлари (газета, офсет ва гулқоғозлар);
- Россиядан металлопрокат (цинкланган лист, профнастил, қувур, швеллерлар);
- Россиядан турли ўлчам ва русумдаги флоат-ойналар;
- барча турдаги қурилиш моллари;
- хомашё ва материаллар (ПВХ, ПВД);
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар.

**Шунингдек, МДҲ давлатлари ва Европадан сизни қизиқтирган маҳсулотларни тўғридан-тўғри улгуржи тарзда етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.**

**Маҳсулотлар миллий валюта — сўмда ёки АҚШ долларида CIF Тошкент шартларида етказиб берилади.**

***Тошкент шаҳар, «Буюк ипак йўли» кўчасидаги электрон таблога маълумотларингизни ва рекламангизни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатади.***

**Барча буюртмаларингизни ўзаро манфаатли шартларда бажариш кафолати.**

**Телефонлар: 136-70-35, 136-79-09, 136-78-74.**
**Факс 136-24-65.**
**E-mail: rahnamo@online.ru**
4963

*Биринчи даражали*
**MAKSIMA**
*салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган* ***ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА***
**МЕБЕЛЛАРИ**
*ҳамда*
***РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ***
*таклиф этади. Дид билан ишланган дизайн асосида каталог бўйича уйингизни жиҳозлаб берамиз.*
*Ўзбекистон бўйича элтиб ҳамда йиғиб берамиз.*

*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5.*
*Тел. (371) 144-27-15.*
*Дам олиш кунисиз ишлаймиз.*



4044

ЖАҲОНДА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАМ **makita** КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ ВА ҲАМКОРЛИККА ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КАФОЛАТ. СЕРВИС ХИЗМАТИ.



- ✓ ПЕРФОРАТОРЛАР
- ✓ АВТОМАТИК БОЛҒАЛАР
- ✓ ЭЛЕКТР ДРЕЛЛАР
- ✓ ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- ✓ МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- ✓ СИЛЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- ✓ РАНДАЛАР
- ✓ ДИСКЛИ АРРАЛАР
- ✓ АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОБЛАР

БАРЧА АСБОБЛАР ЕВРОСТАНДАРТГА МУВОФИҚ
**makita** - СИФАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК БЕЛГИСИ.

Тошкент ш, 700000, В. Малясов К., 3, 113 - 115 хон.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil@operamail.com
4674

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими М. Эргашевга волидаи муҳтарамаси

**ҲАБИБАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси

**Каримжон Қобулович ТОШПЎЛАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон радиоси жамоаси «Ёшлар канали» дирекциясининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Юнус Мирзаевга укаси

**Юсуф МИРЗАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Термиз давлат университетининг ректори Чорихон Саидовга падари бузруквори

**СУЛТОНХОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «Театр санъати» факультети декани Маъруф Отажоновга волидаи муҳтарамаси

**Зуҳрахон ОТАЖОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти Наталя Эрназаровага онаси

**Лидия Ивановна КОЗЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.20*
1 2 3 4 5 6